



ИЖТИМОЙ ТАРМОҚЛАРДА ДИНИЙ ЭКСТРЕМИСТИК ҒОЯЛАРНИНГ ТАРҚАЛИШИ: ТУШУНЧА ВА МОҲИЯТ

Каримов Абдумалик Закурлаевич

Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети
мустақил изланувчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.17732244>

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 20-noyabr 2025 yil
Ma'qullandi: 23-noyabr 2025 yil
Nashr qilindi: 27-noyabr 2025 yil

KEYWORDS

терроризм, экстремизм,
жамият, хавфсизлик.

ABSTRACT

Мазкур мақолада ижтимоий тармоқларда диний экстремистик ғояларнинг тарқалиши: тушунча ва моҳияти акс этган.

“Кибермакон”, “ахборот макони”, “виртуал макон” каби атамалар сўнги пайтларда маиший турмушда, илмий доираларда ва қонунчиликда кўп учрамоқда. Бироқ, ушбу тушунчалар мазмуни ва табиати бир-биридан фарқ қилиб, айнан бир маънони билдирмайди ҳамда уларни нотўғри ишлатиш жуда кўп терминологик муаммоларни келтириб чиқармоқда. Шунинг учун биринчи навбатда ишлатиладиган терминларни аниқлаштиришга эҳтиёж туғилмоқда.

Информацион муҳит - бу кенг қамровга эга тушунча бўлиб, жамият ҳаётининг исталган соҳасидаги ахборот (ОАВ, телевидения, телефон, китоб ва бошқа босма нашрлар) билан боғлиқ муҳитни англатади. “Кибермакон” тушунчасига таъриф бизнинг амалдаги қонунчилигимизда кўрсатиб ўтилмаган, МДХ давлатларида ҳам мазкур атаманинг расмий таърифи келтирилмаган. Бироқ, бугунги кундаги Россия Федерациясида “Киберхавфсизлик концепцияси” лойиҳасида мазкур тушунча изоҳланган бўлиб, унга кўра, кибермакон - инсон фаолияти турлари шаклларида (шахс, ташкилот, давлат) фойдаланадиган “Интернет” ва бошқа телекоммуникация тармоқлари ҳамда улар фаолиятини таъминлайдиган технологик инфратузилмалар йиғиндисидан иборат макон, информацион маконнинг фаолият майдони¹.

“Виртуал макон” термини ҳам қамровига кўра катта ҳажмга эга бўлиб, “виртуал” сўзи “ҳаёлий” сўзи билан синоним ҳисобланиб, у компьютер техникаси ёрдамида яратилган макон билан чегараланмайди. “Интернет макони” аксинча тор маънога эга, чунки Интернет билан параллель равишда кичик, ахборот ва телекоммуникация тармоқлари ҳам мавжуд. Шунингдек Интернет” - бу ном ва эҳтимол, келажакда бошқа глобал ахборот ва телекоммуникация тармоғи унинг ўрнини эгаллаши ва бошқа ном билан аталиши мумкин, аммо кибермакон атамаси ўзгармаслиги мумкин.

АҚШда ушбу тушунчага таъриф 1997 йилда илк бор расман Олий суд қарорида келтирилган ва унда “Интернет - жисмоний ва юридик шахсларнинг интерфаол мулоқотига хизмат қиладиган, эгаси ҳамда фойдаланувчисини аниқлаш мураккаб бўлган ахборот ресурслари ва компьютер тармоқларининг глобал бирлашмаси” сифатида талқин этилган. Кибермакон эса Интернет тармоғи орқали дунёнинг исталган жойидан ҳар қандай киши кириш ҳуқуқига эга бўлган географик кенгликда жойлашмаган, ягона, ўхшаши бўлмаган макон сифатида ёритилган.

Шундай таҳдидларни ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистон ҳам ўз мустақиллигининг илк кунлариданоқ ўзининг динга муносабатини аниқ ва қатъий белгилаб олди. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида 16 диний конфессияга мансуб 2270 га яқин диний ташкилот фаолият олиб бормоқда. Улардан 2088 та масжид, 157 таси христиан, 8 таси яҳудий, 6 таси баҳойий жамоалари, биттадан Кришнани англаш жамияти ва Будда ибодатхонасидир. Булардан ташқари конфессиялараро Библия жамияти ҳам фаолият юритмоқда. Шу билан бирга, диний ташкилотлар қайси конфессияга тааллуқлилигидан қатъий назар, фаолият борасида бир хил ҳуқуққа эгадирлар. Ушбу диний ташкилотларнинг эмин-эркин фаолият олиб бораётгани ҳам юртимизда ҳукм сураётган диний бағрикенгликнинг амалий ифодасидир.

Дин ниқоби остидаги экстремистик оқимларнинг жамиятимиз барқарорлигига таҳдиди республикамиздаги ижтимоий сиёсий вазиятни беқарорлаштириш, динлараро ва миллатлараро муносабатларни кескинлаштириш, фуқарларни, айниқса, ёшларни қуролли тўқнашувлар рўй бераётган ҳудудларда фаолият юритаётган дин ниқоби остидаги экстремистик гуруҳларга жалб қилиш каби ҳаракатларда, шунингдек, мамлакатимизда дин соҳасидаги ислохотларни қоралашга уринишларида намоён бўлмоқда.

Шу нуқтаи назардан, айрим сиёсийлаштирилган ва геосиёсий мақсадларни кўзлаган бузғунчи кучлар томонидан жамият онгига сингдирилаётган дин ниқоби остидаги экстремизмнинг мазмуни ва моҳияти тўғрисида фикр юритишда дастлаб “экстремизм” сўзига тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Экстремизм – лотинча (*extremus* – ўта, кескин деган мазмунни беради) жамиятдаги ижтимоий – сиёсий характердаги муаммоларни ҳал этишда ўта кескин чора-тадбирлар, фикр ва қарашларни ёқловчи ёки жамият учун анъанавий миллий ва диний қадриятларга нисбатан муросасизликни ўзида акс эттирувчи амалиётдир.

Диний экстремизм сўзига кўплаб мутахассислар томонидан, “жамият учун анъанавий бўлган диний қадриятлар ва ақидавий аҳкомларни рад этиш ва уларга зид бўлган ғояларни алдов ва зўрлик билан тарғиб қилишдир”,- деган аниқ таъриф берилади, яъни диннинг қандайдир бир йўналишини бузган ҳолда талқин этиб, сиёсий мақсадни кўзловчи ҳаракатдир. Диний экстремизм қандай номланмасин ёки қандай кўринишга эга бўлмасин, унинг асосий мақсади жангари гуруҳларни шакллантириш орқали ҳокимиятни қўлга олишдан иборатдир.

Экстремизм мазмунига кўра – диний ва сиёсий бўлиши ёки намоён бўлишига кўра – ҳудудий, минтақавий ва халқаро шаклларга бўлиниши мумкин. Улар христиан динида, католиклар, протестантлар, проваславлар орасида ҳам мавжуд. Диний экстремизм ислом оламида ҳам кенг тарқалган бўлиб, улар қаерда фаолият кўрсатмасин, асосий мақсади шарият бошқарувига асосланган ислом давлатини барпо қилишдан иборатдир.

Экстремизм турли кўринишларда бўлиши мумкин – большевизм, фашизм, диний экстремизм каби турларга бўлинади. Улар ўзларининг ғоялари, ҳаракатлари, ташкилотлари моддий таъминлаш ва ташкилий тузилмалари фаолиятлари комплекси (йиғиндиси) дан иборат бўлади. Ислом дини ниқоби остидаги экстремистик тузилмалар қандай кўринишда бўлишидан қатъий назар, унинг асосий мақсади ҳокимиятни қўлга олишдир ёки сиёсий ҳокимиятга эришиш орқали жамиятни тўла ислом шарияти қонун-қоидалари асосида қайта ташкил қилиш ва бошқариш лозим деб ҳисоблайдилар.

Экстремизмнинг тарихи ва воқелиги ҳақида гап кетганда экстремистик қарашларни барча диний таълимотлар доирасида учратиш мумкин. Масалан, мутахассислар католик черковининг эркин фирқа юритувчи, ҳукмрон феодал-католик черкови ақидаларини рад этувчи кишилар — папа ҳокимияти душманларини таъқиб қилиш учун XIII асрда тузилган ва минглаб одамларнинг қурбон бўлишига олиб келган инквизиция фаолиятини экстремизмнинг ўзига хос кўриниши сифатида баҳолайдилар. Шундай экан, экстремизмни фақат муайян дин билан боғлаш мутлақо асоссиздир. Хусусан, ислом дини, турмуш тарзи ва қадриятлар мажмуи сифатида ҳеч қачон экстремистик тузилмаларнинг гўёки, дин ва мусулмон жамоаси равнақи йўлида амалга ошираётган террорчилик хуружларининг асосий сабаби сифатида қаралиши мумкин эмас.

Маълумки, ҳар қандай дин ривожланиш жараёнида унинг тарафдорлари орасида турли йўналишлар ва ақидаларга ишонувчи гуруҳлар топилиб, баъзан ўша диннинг асосий мақсадларига қарши фаолият олиб борганлар. Эзгулик, хайр-эҳсон, тинч-тотув яшаш каби ахлоқий қадриятлар ва инсоний фазилатларларга чорлаб келган динлар, афсуски, бунёдкорлик йўлида эмас, балки вайрон қилувчи куч, ҳатто фанатизм (*ўтакетган мутаассиблик*) сифатида фойдаланилган. Ўзларини дин ҳимоячилари, ҳақиқий динни тикловчилар деб эълон қилиб, бошқа инсонларни динсизликда айблаб, улар бошига беҳисоб кулфатлар ёғдирган тоифалар инсоният тарихида жуда кўп ўтган. Бундан айрим гуруҳлар томонидан ўзларининг сиёсий ёки иқтисодий манфаатларини таъминлаш мақсадида динни ниқоб қилиб, ундан фойдаланиб келганликлари мисолида кўриш мумкин. Масалан, Европа тарихчилари динлараро, хусусан, яҳудийлик ва христианлик динлари орасида юз берган урушларни ўз асарларида кенг кўламда ёритиб берганлар. Бундай урушлар кўпинча тарафкашликка асосланган бўлиб, маълум диний ғояларни ҳаддан зиёд талқин қилиб, уларни бошқаларга зўрлаб қабул қилдириш орқали юзага келган. “Сийрат Ибн Хишом” асарида ёзилишича, милодий VI аср бошларида Яман ҳудудида ҳокимият тепасига чиққан яҳудий ҳукумдорлар мамлакат ҳудудидаги барча христианларни доимий равишда қийнаб, уларнинг ҳуқуқларини оёқ ости қилиб келишган. Фақат биргина “Асхабул-ухдуд” деб номланган ҳодиса туфайли йигирма минг христиан вакили ўтга солиб куйдирилган ёки уларни ташқи қиёфаси ўзгартирилиб қийноқ азобида ваҳшийларча ўлдирилган.

Экстремизм христианлик динида бундан ҳам кучлироқ ва даҳшатлироқ тарзда намоён бўлган. XII асрдан кейин ақидапараст христианлар томонидан Европа мамлакатларида истиқомат қилувчи минглаб яҳудийларга қарши “қасд” олиш фаолияти кузатилади. Уларга нисбатан аёвсиз кураш бошланиб дарёга чўктириш, оловда куйдириш ёки ватандан сургун қилиш каби усуллар амалга оширилди. Тарихчи Вил

Дорантнинг таъкидлашича, христианлар томонидан яҳудийлар ўлдирилиб улар истиқомат қиладиган 510 та марказ бутунлай аҳолидан бўшаб қолган.

Ислом динида ҳам унинг номидан «фаолият» олиб боровчи экстремистик руҳдаги ҳаракатлар юзага келган бўлиб дастлабки кўринишлари пайғамбар Муҳаммад (с.а.в.) вафотидан сўнг намоён бўла бошлаган. Аслида, ўзларининг бирламчи вазифаси қилиб сиёсий ҳокимиятни эгаллашни кўзлаган бу кучлар очиқ сайлов усулида сайланган “Хулафои-рошидийн” (*тўғри йўлдан боровчи пайғамбар ўринбосарлари*)лардан бўлган Умар, Усмон ва Алиларнинг бевақт ўлимига сабабчи бўлди. Бу йўналиш тарафдорлари халифа Али даврида очиқдан очиқ сиёсий ҳокимият учун курашувчи йирик бир гуруҳ (*ўн икки минглик жамоа*)га айланиб, хорижий (*мусулмон оммасидан ажраб чиққанлар*) номини олди. Хорижийлар куч ва қурол ишлатиш йўли орқали ўз ғояларини тарқатиш ва ҳокимиятга эришишни мақсад қилган эди. Шунинг учун ҳам уларни ислом дини доирасида юзага келган биринчи диний-сиёсий экстремистик ҳаракат деб ҳисобласа бўлади.

XX асрнинг ўрталари ва иккинчи ярмига келиб Ислом дунёсида «Ихвонул муслимийн», «ал-Жиход ал-исломий», «ат-Такфир вал-ҳижра», «ал-Қоида», «Ҳизбут-тахрир», «ал-Муҳожирун» каби фаол диний экстремистик ташкилотлар пайдо бўла бошлади. Улар ақидапарастликда ўзларидан илгари пайдо бўлган ташкилотлардан ҳам узиб кетди. Ушбу мутаассиб гуруҳлар дастлаб хайр-эҳсон ва маърифатчилик кўринишида ўз фаолиятларини ташкиллаштириб, тарафдорлар орттиргач ҳаётда ўз мақсадларига эришиш учун кескин ҳаракатларни қўллайдиган диний-сиёсий тузилмаларга айланди.

Ислом дини ниқоби остидаги экстремизм ўзининг икки хусусияти билан бошқа экстремистик гуруҳлардан ажралиб туради. Биринчиси, уларнинг ақидаларига кўра, гўё барча ҳозирги замон исломга эътиқод қиладиган давлатлардаги мусулмонлар жамоалари исломий тусларини йўқотган бўлиб, жохилия (ислом келиб чиқишидан аввалги араблардаги маънавий бузилиш даври) жамиятларига айланиб қолган деб ҳисоблайди. Бундай ёндошув фаолиятдаги ҳукумат ва унинг олиб бораётган сиёсатини танқид қилишга асос қилиб олинади. Иккинчидан, улар гўё, “ҳақиқий” мусулмонлар бўлиб, ўзларини ҳокимиятга келишлари учун барпо қиладиган “исломий тартибни” қарор топтиришнинг ягона йўли кескин ва жангарилик йўли билан агрессив ҳаракат қилиш лозим деб ҳисоблайдилар. Ислом ниқоби остидаги экстремистик ғояларининг Марказий Осиёга кириб келишидан кўзланган асосий мақсад – диний қадриятларни қайтадан тиклаш эмас, балки ана шу ғоялардан фақат восита ва ниқоб сифатида фойдаланиш орқали минтақада беқарорликни, диний ва миллатлараро низоларни вужудга келтириш, иқтисодиётни турли йўллар билан (диверсия қилиб) издан чиқариш, иқтисодий инқирозни келтириб чиқариш орқали ҳукуматни кучсизлантириб обрўини тўкишдан иборатдир. Ислом дини ниқоби остидаги экстремизм ўзининг шундай ғаразли ҳаракатларида муқаддас Қуръони Карим оятларидан фойдаланиб, исломнинг соф ғояларини жамиятга тадбиқ этиш эмас, балки юртдошларимизнинг эътиборларини чалғитиб ислом омили орқали ҳокимиятга интилишдан бошқа нарсани кўзламайди.

Маълумотларга кўра, бугун дунёда 500 га яқин террорчилик ташкилоти фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг 80 фоизи ислом ниқоби остида фаолият юритади. Улар қаторига

“ИШИД (Ироқ ва Шом ислом давлати)”, “Жабҳат ан-Нусра”, “Ансару аш-Шам” (Сурия), “ал-Қоида”, “ал-Жиход ал-Ислomий”, “ат-Такфир ва-л-Ҳижра” (Миср), “Абу Сайяф” (Филиппин), “Озод Ачех”, “Лашкари жиход” (Индонезия), “Қуролли исломий ҳаракат” (Жазoir), “Боко ҳарам” (Нигерия), “Ислом жиходи уюшмаси”, “Ўзбекистон исломий ҳаракати” каби ташкилотларни киритиш мумкин.

Замонавий коммуникация ва ахборот технологияларнинг тез суръатлардаги тараққиёти дин ниқоби остидаги деструктив гуруҳларнинг ғоявий таъсир ўтказиш имкониятларини кенгайтиришига туртки бўлиб, геосиёсий мақсадларга бўйсиндирилган, инсон қалби ва онги учун курашларнинг янгидан-янги усул ва воситаларининг кўпайиб бораётгани, айниқса, бу борада дин омилидан фойдаланишга уринишларда яққол намоён бўлмоқда. Аксарият ҳолатларда ушбу кураш қуролли тус олиб, глобал миқёсда таҳдид келтириб чиқараётган хавфга айланмоқда.

Бугунги кунда диний-экстремистик, террористик гуруҳлар фаолиятида муҳим ўзгаришлар кузатилмоқда. Ўзбекистон ва бошқа давлатларда диний-экстремистик, террористик ҳаракатларга нисбатан олиб борилаётган муросасиз ёндашув натижасида гуруҳ аъзолари ўз ҳаракатларини очиқ намоён этишни маъқул кўрмай, аксинча, хуфёна тарғибот-ташвиқот ишлари орқали, Интернет, хусусан, ижтимоий тармоқлар орқали ўз ғояларини тарқатиш билан фаолиятларини жадаллаштиришмоқдалар.

Аввало, «ижтимоий тармоқ» нима эканлигига ойдинлик киритиб олиш мақсадга мувффиқ бўлади. Масофадан интернет орқали одамлар орасидаги “online” танишув ҳамда мулоқотни таъминловчи ва ўз аъзоларининг турли хил шахсий маълумотларини ўзида акс эттирувчи интернет тармоқларига (сайтларига) ижтимоий тармоқлар дейилади. Мисол учун, ҳозирда дунё ва минтақамизда кенг тарқалган “Facebook”, “Instagram”, “Twitter”, “Odnoklassniki”, “Youtube” каби тармоқларни айтиш мумкин Ғоявий жиҳатдан миллий манфаатларга зид бўлган диний мазмундаги маҳсулотларни республика ҳудудига олиб кириш ва тарқатишга уриниш ҳолатлари Ўзбекистонда ҳам кузатилмоқда. Бу каби экстремистик руҳдаги маҳсулотларни интернет ва бошқа йўллар орқали тарқатилиши аҳоли томонидан диннинг нотуғри талқин этилишига, кам маълумотга эга ўқувчилар маънавий онгининг бузилишига, турли эътиқод ва қарашларга эга бўлган одамлар, хусусан, ёшлар орасида адоват ва хусумат уйғонишига замин яратмоқда. Шу билан бирга, бундай фаолиятлар ҳукуматга қарши йўналтирилган ва Ўзбекистон Республикаси миллий хавфсизлигига муайян тарзда таҳдид солишни мақсад қилган.

XX аср охириларигача диний экстремизм ва ақидапарастликни тарқатиш ва аҳоли орасида ёйишнинг асосий қуроллари бўлиб турли адабиёт ва нашрлар хизмат қилган бўлса, замонавий технология воситалари ривожланган ҳозирги даврда оммавий ахборот воситалари, айниқса, ижтимоий тармоқлар диний экстремистик ва ақидапарастлик ғояларини тарқатишнинг энг оптимал ва қулай манбаига айланиб бормоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳозирда турли гуруҳ ва оқимлар томонидан диний экстремизм ва ақидапарастликни тарғиб қилишда, жамиятда норозилик кайфиятини тарқатишда ижтимоий тармоқлардан кенг фойдаланилмоқда. Интернет орқали суҳбат олиб бориш жараёнида ёшларга “куфр диёри”, “ҳижрат”, “жиход”, “шаҳидлик”, “халифаликни тиклаш” каби ғоялар синдирилиб, улар турли тўқнушув ва низо ўчоқларига жалб қилинмоқда. Турли кучларнинг ноғорасига ўйнаётган диний

экстремистик ва террорчи оқимлар томонидан у ерларда амалиётни ўтаган ақидапараст, дийдаси қотган, мустақил фикрлашдан маҳрум, раҳнамоларининг ҳар қандай буйруқларини қонун деб билувчи зомби-жангарилардан тинч минтақаларда ҳам турли низолар ва беқарорликларни келтириб чиқаришда фойдаланиш мақсади бугун кўпчиликка аён ҳақиқатдир.

Интернет тармоғининг чегара билмаслиги, сунъий йўлдош орқали эфирга узатиладиган фазовий каналларга тўсиқ қўйишнинг иложи йўқлигини ҳисобга оладиган бўлсак, ҳозирги кунда бу каби бузғунчи ғоялардан аҳолини, хусусан, ёшларни асраш учун уларда бу каби ёт ғояларга қарши маънавий иммунитетни ҳосил қилиш, интернет ва ОАВ орқали мазкур гуруҳларга асосли раддиялар бериш, соф диний таълимотларни ёшларга етказиш, уларни халқпарварлик, ватанпарварлик, миллий ва диний қадриятларга садоқат руҳида тарбиялаш муҳим аҳамиятга эга эканлиги яққол намоён бўлади.

Бизга маълумки, кўплаб сайт ва тармоқлар катта маблағлар эвазига филтрлаб қўйилган ва бу ҳолатни кўплаб давлатларда кузатиш мумкин.

Албатта тақиқлар ёки филтр воситалари орқали одамларни Интернет оламидаги турли кучларнинг хатарли таҳдидларидан, кераксиз ва салбий ахборотлардан сақлаш қийин ва фақатгина вактинчалик ҳолат бўлиши мумкин. Мамлакатимизнинг биринчи президенти И.А.Каримов такидлаганидек "...ёшларимизнинг маънавий оламида бўшлиқ юзага келмаслиги учун уларнинг қалби ва онгида соғлом ҳаёт тарзи, миллий ва умуммиллий қадриятларга ҳурмат эҳтиром туйғусини болалик пайтидан бошлаб шакллантиришимиз керак"

Сўнги йилларда мутаассиб оқимлар ёшлар орасидаги фаолиятини хорижий мамлакатлардаги меҳнат мигрантларини таъсир доирасига олиш, "Интернет" орқали тарғибот ўтказиш, оила аъзолари, яқинлари ва қўшниларини ўз гуруҳига тортиш, яширин "виртуал ҳужралар" ташкил этиш, диний экстремистик мазмундаги материалларни асосан электрон кўринишда тарқатиш каби усулларда амалга ошироқда

Юқорида тадқиқотлари ва илмий ишлари келтирилган олимларнинг фикрларидан келиб чиқиб, Интернетдаги экстремизмнинг қуйидаги хусусиятларини санаб ўтишимиз мумкин:

экстремистлар томонидан компьютер технологиялари ёрдамида яратилган диний экстремистик характердаги маълумотларнинг виртуал характерга эга эканлиги;

диний экстремистик мазмундаги маълумотлар ижтимоий тармоқларнинг чекланмаган аудиториясига тарқатилиши;

дин ниқоби остидаги экстремистик тузилмаларнинг вакиллари анонимликни сақлаган ҳолда Интернетга дунёнинг исталган жойидан маълумот жойлаштириши мумкинлиги;

экстремистик гуруҳлар томонидан алоҳида мультимедиа воситаларидан фойдаланиб, Интернетда тарқатиш учун махсус материаллар тайёрлаётганлиги;

Юқоридагилардан келиб чиқиб шуни айтиш мумкинки, ДЭТ тарқатаётган маълумотларнинг аксарияти диний манбаларни нотўғри талқин қилишга асосланган. Шунингдек, айрим ҳолларда мазкур тузилмаларнинг ижтимоий тармоқлардаги

саҳифалари орқали тарқатилаётган ёлгон ва асоссиз маълумотлари таъсирига асосан зарурий диний билимга эга бўлмаган шахслар тушиб қолмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Гафуров У. Глобаллашув шароитида ёшларни дин ниқобидаги мафкуравий таҳдидлардан асрашда интернетдан самарали фойдаланишнинг долзарб масалалари // “Армия – давлат таянчи, тинчлик кафолати”. – Т.: 2013. – Б. 246.
2. Мирсодиқов У., Абдурахмонов И. Дин ниқоби остидаги фитналар илдизи: – Т.: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги 82 Тошкент ислом университети, Ислмушунослик илмийтадқиқот маркази, 2017. – Б. 7.
- 3 Сағдиев Ҳ. Ахборот истеъмоли маданияти фанининг ўқув услубий мажмуаси: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тошкент ислом университети, Ислму цивилизациясини ўрганиш Isesco кафедраси, 2017.
4. Пономарев В.А. Информационный экстремизм и информационный терроризм в пространстве PR-технологий, СМИ и открытой информационной сети (Интернет): концептуальный аспект. Вопросы теории и практики журналистики. 2018. Т. 7. № 2. С. 301–319.
5. Md Sazzad Hossain. Social media and terrorism: threats and challenges to the modern era. Department of Law and Human Rights, University of Asia Pacific, Dhaka, Bangladesh.
6. Нечитайло Д.А. “Аль-Каида” и “Исламское государство” – общее и особенное. Москва, Россия. Институт востоковедения Российской академии наук. УДК 327.2017.
7. Абдуллаев А. Ижтимоий тармоқларнинг социал психологик таъсири // “Ёшларни ахборот-психологик хуружларидан ҳимоя қилиш технологиялари: назария ва амалиёт”. – Т.: 2012. – Б. 283-284.
8. Каримов И.А. Юксак маънавияг- енгилмас куч. -Т.: Маънавият, 2008. – Б.113.
1. <https://xs.uz/uzkr/post/ekstremistik-tashkilot-nomlari-rojkhati-malum-qilindi/> 84
2. <https://daryo.uz/k/2020/12/02/ozbekiston-fuqarolarini-suriyadagi-terrorchilik-tashkilotiga-jonatishda-gumon-qilingan-shaxs-ushlandi/>
3. Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонун янгиланмоқда. Қандай ўзгаришлар бор? // <https://kun.uz/75925192>
4. Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун лойиҳаси эълон қилинди. // <https://www.gazeta.uz/uz/2020/08/21/din/>
5. <https://antiextremizm.ru/kak-dejstvuyut-ekstremisty-i-terroristy-vsotsialnyh-setyah>.
6. <http://advokatnews.uz/xabar/928.html>// тақиқланган ташкилотлар сафига адашиб кириб қолганларни афв этиш тартиби қандай бўлади?
7. <https://www.osce.org>
8. Концепция Стратегии кибербезопасности
<http://www.council.gov.ru/media/files/41d4b3dfbdb25cea8a73.pdf>